

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Бош Директор

«Уз-Ханву» МЧЖ ҚК

Хошимов М.Т.

« » _____ 2022й.






«Уз-Ханву» МЧЖ ҚК эҳтиёжи учун

**Озик-овкат махсулотларини йил давомида етказиб
берувчиларни танлаш
бўйича харид хужжати**

Буюртмачи: «Уз-Ханву» МЧЖ ҚК

Андижон 2022 г.

Харидлар комиссияси таркиби:

№	ФИШ	Лавозими	Имзо
1	М.Хошимов	Бош директор	
2	Ф.Мадрахимов	Техник директор	
3	Х.Ахмедов	Сифат назорати бўлими бошлиғи	
4	Ш.Саидумаров	Бош иқтисодчи	
5	У.Мингбаев	Харид бўлими бошлиғи	

МУНДАРИЖА:

- I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЎЎРИҚНОМА
- II. ТАНЛАШ ТЕХНИК ҚИСМИ
- III. ТАНЛАШ НАРХ ҚИСМИ
- IV. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

2. ДАВЛАТ БУЎРТИМАНИС (КОРПОРАТИВ БУЎРТИМАНИ)

2.1	<p>«У-Хана» М-ДК КК (корпоратив) ҳақидаги Буюртма-ишончлик шартномаси</p> <p>Буюртма-ишончлик шартномаси (электрон шаклда) бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги Буюртма-ишончлик шартномаси тўғрисидаги қарори билан.</p> <p>Банк рекамендилари: 1) Банк номи: Ўзбекистон Республикасидаги Буюртма-ишончлик шартномаси</p> <p>МФО: 01088</p> <p>№: 2021-4000-0048-0370-8001</p> <p>ОҚСД: 28920, СТР: 301, 331, 308</p>
2.2	<p>Давлат буюртма-ишончлик шартномасида давлат буюртма-ишончлик шартномаси бўлиши мумкин.</p> <p>1) Фамилияси, исми, шарифи: Минирова Умид</p> <p>Павлоғли: Ҳарид бўлиши мумкин (электрон шаклда)</p> <p>Телефон рақами: +99899-802-71-01</p> <p>Электрон пошта манзили: u.minirova@uztel.com</p> <p>Манзили: Ўзбекистон Республикасидаги Буюртма-ишончлик шартномаси</p> <p>Қўраш: 73-й</p> <p>2) Фамилияси, исми, шарифи: Суҳрабнинг Бобур</p> <p>Павлоғли: Ҳарид бўлиши мумкин (электрон шаклда)</p> <p>Телефон рақами: +99899-431-23-70</p> <p>Электрон пошта манзили: b.suhrabning@uztel.com</p> <p>Манзили: Ўзбекистон Республикасидаги Буюртма-ишончлик шартномаси</p> <p>Қўраш: 73-й</p>
2.3	<p>Ҳаридларнинг танлаш буюртма-ишончлик шартномасида давлат буюртма-ишончлик шартномаси бўлиши мумкин.</p> <p>Ҳарид комиссияси қўрашда тўлиқ комиссияни оқибатда амалга оширилади.</p> <p>Ҳарид қилиш шартномаси шунинг қилиши мумкин.</p> <p>Танлаш қўраш қилиш шартномаси шунинг қилиши мумкин.</p> <p>Танлаш қўраш қилиш шартномаси шунинг қилиши мумкин.</p>

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1	Ушбу харид ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни № 684 (кейинги ўринларда Қонун) талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда қарор).
1.2	Харид предмети: Озик-овкат махсулотлари
1.3	Товарлар (иш, хизматлар) чегаравий қиймати ва валюта талаби ушбу харид ҳужжатларининг нарх қисмида кўрсатилган. Тижорат таклифида кўрсатилган нархлар чегара нархидан ошмаслиги керак.
1.4	Техник топшириқлар ушбу харид ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.
1.5	Харид комиссияси йиғилиш шакли – юзма юз тарзда (очная).

2. ДАВЛАТ БУЮРТМАЧИСИ (КОРПОРАТИВ БУЮРТМАЧИ)

2.1	<p>«Уз-Ханву» МЧЖ ҚК (кейинги ўринларда «Буюртмачи») харидлар буюртмачиси ҳисобланади.</p> <p>«Буюртмачи» манзили: (электрон шаклда бўлмаган ҳолларда танлаш ўтказиладиган манзил: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилоят, Андижон ш, Бобршоҳ кучаси 73- уй.</p> <p>Банк реквизитлари: 1) Банк номи: ЦБУ Андижан АКБ "Капиталбанк", МФО: 01088, ҳ/р: 2021 4000 6048 0370 8001. ОКЭД: 29320, СТИР: 301 331 806</p>
2.2	<p>Давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар:</p> <p>1) Фамилияси, исми, шарифи: Мингбаев Умид Лавозими: Харид булими бошлиги (<u>заявитель</u>) Телефон рақами +99899-902-71-01 Электрон почта манзили: u.mingbayev@gmail.com Манзили: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилоят, Андижон ш, Бобршоҳ кучаси 73- уй</p> <p>2) Фамилияси, исми, шарифи: Зухрдинов Бобур Лавозими: Харид булим етакчи мутахассис (<u>заявитель</u>) Телефон рақами +99899-431-23-70 Электрон почта манзили: b.zuhirdinov@uzhw.uz Манзили: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилоят, Андижон ш, Бобршоҳ кучаси 73- уй</p>
2.3	<p>Харидларни танлаш буюртмачисининг ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилган харид комиссияси орқали амалга оширилади.</p> <p>Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради: харид қилиш ҳужжатларини келишади; таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди; таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди; таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;</p>

	<p>зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;</p> <p>дастлабки малака танловини ўтказди, агар харид қилиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;</p> <p>зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;</p> <p>зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;</p> <p>харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.</p> <p>Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.</p> <p>Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.</p>
2.4	Шартнома эгаси: «Уз-Ханву» МЧЖ ҚК
3. ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ	
3.1	<p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.</p> <p>Иштирокчи:</p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;</p> <p>харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар бўлиши;</p> <p>асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;</p> <p>ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.</p> <p>Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.</p>
3.2	<p>ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:</p> <p>Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> – <u>шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;</u> – <u>шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;</u> – <u>солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;</u> – <u>ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;</u> – <u>Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.</u>
4.	<p>ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ИЖРОЧИСИ</p> <p>Давлат харидларининг ижрочиси (бундан буён матнда ижрочи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича ғолиб деб топилган ва ўзи билан давлат харидлари тўғрисида шартнома тузилган иштирокчидир.</p>

	<p>Ижрочи:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қонунчилик талабларига риоя этиши; - шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариши; - асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; - шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт. <p>Давлат буюртмачиси зарур бўлганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларга қўшимча талаблар белгилашга ҳақли.</p>
<p>5. ТАНЛАШНИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ</p>	
5.1	<p>Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қуйидагиларни бажариши шарт:</p> <p>а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон билан танишиш ва танлаш ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (юклаб олиш);</p> <p>б) танлаш таклифини харид ҳужати битта муҳрланган конверт шаклида танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлаш таклифини тақдим этиш.</p>
5.2	<p>Танловда катнашишга рухсат берилмайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида бўлган - (буюртмачининг исми) билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлган - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рејестрида бўлган - Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлган - шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд бўлмаган
<p>6. ТАНЛАШ ТИЛИ ВА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ</p>	
6.1	<p>Танлаш тўғрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Танлаш тўғрисидаги ахборот давлат тили билан бир вақтда бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган танлаш тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофиқ бўлиши керак.</p> <p>Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлаши мажбурийдир.</p>
6.2	<p>Энг яхши таклифларни танлашда иштирочи таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак</p>
<p>7. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ</p>	
7.1	<p>Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлашга мажбурдирлар.</p> <p>Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича муҳрланган конвертларда тақдим этилади. (танлаш шакли электрон шаклда ўтказилмаганда)</p> <p>Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тақдим этилади.</p>

	<p>Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.</p> <p>Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.</p> <p>Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.</p> <p>Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.</p>
7.2	Танлаш иштирокчилари таклифларни рақамланган, муҳрланган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифнинг ҳар бир саҳифасида имзоланган ҳолда тақдим этишлари тавсия қилинади.
7.3	Иштирокчининг танлаш таклифи танлаш комиссиясининг ишчи органига почта орқали ёки иштирокчининг ваколатли вакили орқали юборилади. Танлаш таклифини тақдим этиш санаси ва вақти ишчи орган томонидан таклифлар регистрида қайд этилади ва иштирокчининг ваколатли вакилининг имзоси билан (агар мавжуд бўлса) тасдиқланади.
7.4	<p>Танлаш таклифи икки қисмдан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> - техник қисм Буюртмачининг техник талабларига жавоб бериши ва таклиф этилаётган товарлар (ишдар, хизматлар)нинг батафсил тавсифини ўз ичига олиши керак; - нарх қисми танлаш шартларига мувофиқ бўлиши ва танлаш таклифининг нарх қисмида талабларда кўрсатилган маълумотларни (шу жумладан товар (иш, хизмат) номи, бирлик нархи, барча солиқларни ҳисобга олган ҳолда умумий қиймати, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар) ифодаланиши керак.
7.5	Иштирокчининг таклифлари ва нархлар жадвали алоҳида тикилган ва рақамланган бўлиши керак, шунингдек буюртмачининг илтимосига биноан электрон оммавий ахборот воситаларида ёки электрон почта орқали асл форматларда (Мисрософт Оффисе) тақдим этилиши керак. (Асл нархларни шакллантириш формулалари сақлаган ҳолда).
7.6	<p>Конверт устида қуйидагилар кўрсатилиши керак.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Инфармацион порталдаги Лот № - Танлаш предмети - Иштирокчи номи, алоқа маълумотлари (масъул шахснинг тел. Номер, электрон манзил) - Буюртмачи номи ва манзили - "таклифларни топширишнинг охириги муддатигача очилмасин" ёзуви
7.7	<p>Танлаш шакли электрон тарзда ўтказилмаган ҳолларда тижорат таклифлари танлаш эълонида кўрсатилган муддат ичида (соат 18:00 гача) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилоят, Андижон ш, Бобршоҳ кучаси 73- уй.</p> <p>Электрон шаклда ўтқазилувчи танлашларда таклифлар қонунда белгиланган низом бўйича тақдим қилинади.</p>
7.8	<p>Танлаш иштирокчиларининг таклиф конвертларини очиш қуйидаги манзилда харид комиссияси иштирокида ва танлаш эълонида кўрсатилган вақтда амалга оширилади:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилоят, Андижон ш, Бобршоҳ кучаси 73- уй.</p>
7.9	Иштирокчилар таклифларининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тугаган кундан бошлаб камида 30 иш куни бўлиши керак.

8. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ

8.1	Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириши ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
-----	--

9. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

9.1	Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
-----	---

10. ТАНЛАШНИ ЎТҚАЗИШ, ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ, УЛАРНИ БАҲОЛАШ







10.1	Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақтда танлаш комиссияси танлаш иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.
10.2	Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш куни ичидам амалга оширилади.
10.3	Таклифлар конвертини очишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг расмийлаштирилишининг тўғрилиги текширилади. Конвертда тегишли ҳужжатлар бўлмаса, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.
10.4	Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.
10.5	Иштирокчи томонидан тақдим етилиши учун зарур бўлган малака ҳужжатларининг шакллари ушбу харид ҳужжатининг 1-илоvasида кўрсатилган.
10.6	Агар танлов иштирокчиси томонидан тақдим етилган ҳужжатларда ишончсиз ёки ёлғон маълумотлар аниқланса, Харид қилиш комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳақлидир.
10.7	Таклифларни баҳолаш ва ғолибни аниқлаш 2-иловада корсатилган мезонларга асосан аниқланади.
10.8	Таклифлар агар Қонун, қарор, низом ва танлаш харид ҳужжатлари талабларига жавоб берса мос равишда расмийлаштирилган деб топилади, акс ҳолда харидлар комиссияси таклифларни рад этишга ҳақлидир.
10.9	Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида Буюртмачи иштирокчидан уларнинг ўз таклифлари тўғрисида тушунтиришлар талаб қилиши мумкин. Ушбу процедура ёзма равишда ва ёки қонунда белгиланган тартибда танлов ташкилотчисига

	сўровнома юбориш орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нарҳида ўзгаришларга йўл қўйилмайди.
10.10	Агар танлаш шартларига мувофиқ, танлаш иштирокчилари таклифларини турли хил валюталарда тақдим етган бўлса, баҳолаш пайтида таклифлар суммаси танлаш конвертларни очиш санасидаги.Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютага айлантирилади.
10.11	Танлов ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосан шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.
10.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, Харид қилиш комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилиб, тендер таклифини рад етишга ёки уларни кейинги кўриб чиқиш учун бошқа шартларни белгилашга ҳақлидир.
10.13	Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.
10.14	Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.
10.15	Баённомадан кўчирма давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди. Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.
10.16	Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

11. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИКНИ СИР САҚЛАШ

11.1	Буюртмачи ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас. Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.
------	--

	Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.
11.2	Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва / ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.
12. ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР	
12.1	Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади. Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.
12.2	Иштирокчилар давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олишга ҳақли.
12.3	Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, шунингдек харидлар комиссияси томонидан таклифларнинг танлаш харид ҳужжатлари талабларига мос эмас деб топилган ҳолларда танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.
12.4	Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асосланганлиги сабабларини эълон қилади. Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибати бўлган ҳоллар мустасно.
12.5	Техник топшириқда товарлар наъмунаси талаб қилинган ҳолларда, тижорат таклифларини топшириш муддати тугагунга қадар ҳар бир товар намунаси Иштирокчи томонидан техник баҳолаш учун Буюртмачига топширилиши керак. Бундай талаб баҳолаш мезонида кўрсатилади. Техник спецификациялар талабларига техник жиҳатдан жавоб бермайдиган товарлар Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди. Ушбу ҳолда ёки товарлар наъмунаси тақдим қилинмаган ҳолларда таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва бекор қилинади.
13. ИЛОВА ВА ШАКЛЛАР	

Илова	1 Илова – Малака ҳужжатлари рўйхати		2 Илова – Баҳолаш меъзонлари	
	 малака ҳужжатлари.docx		 Баҳолаш меъзони.docx	
Шакллар	Шакл №1	Шакл №2	Шакл №3	Шакл №4
	 КАФОЛАТ ХАТИ.docx	 ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИ	 Техник таклиф	 Нарх таклифи

II. ТЕХНИК ҚИСМ

«Уз-Ханву» МЧЖ ҚК эҳтиёжи учун **Озик-овкат махсулотларини**

харид қилиш бўйича техник қисм

Товар (иш, хизмат)лар сони, миқдори ва уларга бўлган талаблар.
Товар (иш, хизмат)лар иштирокчи томонидан ушбу харид ҳужжатининг техник қисмидаги техник топшириғида кўрсатилган талаб ва шартларда етқазиб берилиши керак.

Техник қисмнинг 1 иловаси: техник топшириқ



Т3 Продукты
питания.docx

III. НАРХ ҚИСМИ

Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар чегара нархидан ошмаслиги ва қўшимча равишда ўзгартирилиши мумкин эмас.

Иштирокчи нархларида ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда ва ҚҚС ҳисобга олинмасдан нархларни тақдим етиши шарт.

Нархлар таклифи ва нархлар жадвали Иштирокчи томонидан Танлаш харид ҳужжатларининг 13-бўлимидаги Иловалар ва шаклларга илова қилинган 4-сонли шаклга мувофиқ тақдим етилади (муқобил кўринишидаги шакл қабул қилинади фақатгина сўралган тижорий малумотлар бўлганда).

Агар Буюртмачи нархлар жадвалининг батафсил шаклини тақдим этмаса, Иштирокчи тўлдирилган жадвални электрон шаклда тақдим етишга мажбурдир. Барча нархларни ҳисоблашнинг дастлабки формулалари ўзгартирилмаган ҳолатда, ҳамда таркибий қисмлари шаффоф ва тушунарли бўлиши керак.

1	Чегаравий нарх	Келишилган ҳолда 350 000 000 сум (DDP Уз-Ханву- доставка)
2	Молиялаш манбааси	Буюртмачининг ҳусусий маблағлари
3	Товарлар хариди учун тўлов шартлари ва графиги: 1) маҳаллий иштирокчилар учун 2) хорижий иштирокчилар учун	1) Товарларга 100% тўлов юқори сифатли маҳсулотни қабул қилинганидан ва ҳисоб-фактурани топширгандан кейин 20 (ўн) иш иш куни ичида амалга оширилади. 2) Товарлар учун 100% олдиндан тўлов.
5	1)маҳаллий ва 2)импорт (хорижий) иштирокчилар учун тўлов валютаси	1)UZS –Ўзбекистан Республикаси валютаси (Сўм). 2)USD –АҚШ валютаси (Доллар); EUR – Европа иттифоқи валютаси (ЕВРО).
6	Товарларни етказиш муддати (иш ва хизматларни бажариш муддати)	Шартномани икки томонлама имзолангандан вақтдан бошлаб 90 иш кунида.
7	Танлаш таклифи амал қилиш муддати	Таклифларни тақдим қилиш вақти тугаганида сўнг 30 иш куни.

IV. ШАРТНОМА ЛОЙИҲАСИ